



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ
“ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
КУНИ”ДА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Ғафуров Асилбек Аваз ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
кундузги таълим 2-ўқув курси
208-гуруҳ курсанти

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси профилактика инспекторларининг пайшанба “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни”да амалга оширадиган вазифалари, чора-тадбирлари, профилактика кунини қандай ташкил этиш йўллари ва пайшанба “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни”да амалга оширилидиган чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Хуқуқбузарликлар профилактикаси, пайшанба куни, “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни” жиноятчиликка қарши курашиш, “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни” чора-тадбирлари.

Annotation: This article discusses the tasks and measures implemented by crime prevention inspectors of the internal affairs bodies in Uzbekistan on Thursday, known as the "Crime Prevention Day." It explores ways to organize the crime prevention day and provides suggestions and recommendations for improving the measures carried out on this day. The article focuses on the responsibilities of prevention inspectors, the actions they take, and methods for effectively organizing the Thursday "Crime Prevention Day" activities. Additionally, it offers proposals and recommendations for enhancing the measures implemented during the Thursday "Crime Prevention Day."

Key words: Prevention of offenses, "Day of Prevention of Offenses" on Thursday, measures to combat crime, and activities for the "Day of Prevention of Offenses."

Мамлакатимизда юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлигида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, уларни тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон фармонида асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш¹ белгилаб берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ 60-сонли фармонида эса 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” — деб номланган иккинчи устувор йўналишида жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш (16-мақсад) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон. 173

органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали химоя қилишга йўналтириш (17-мақсад)² каби бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Бу йўналишда тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Айнан шу талаб тизимда амалга оширилган ва давом этиб келаётган ислохотларнинг асоси ва мақсади бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ манфаатларига хизмат қилиш, чинакам халқчил, халқпарвар бўлиш ички ишлар органлари фаолиятининг бош мезони бўлиб қолиши лозим”.³

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни барвақт олдини олиш замон талабларидан бири бўлиб бормоқда. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори айнан ана шу муаммо ва камчиликларни бартараф этиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этишни назарда тутди. Қарорга

² <https://lex.uz/docs/3110039>.

³ <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-zhinoyatlar-soni-kam-b-lgan-davlatlar-atorida-25-10-2019>

кўра, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат идоралари ва ташкилотларининг устувор вазифаси айнан қуйидагилар улар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди. Жумладан:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш – идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш;
- жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;– амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмунмоҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инобатга олиншини таъминлаш;

– ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубини жорий этиш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий ҳуқуқсўзловчи, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш. Шунингдек, Қарорга кўра, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланди ва ушбу кунда қуйидаги тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда: ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички

ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида “очик эшиклар куни”ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга оширишга; қонунийлик аҳволини ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари аҳоли билан учрашувларини ташкил этишга; ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлисларини ўтказишга; аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этишга; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга; махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятчилик аҳволи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилишга;⁴ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет бутун жаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул

⁴ <https://lex.uz/docs/3141186> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-қарори.

килиниши мамлакатимизда мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг дебочаси бўлиб, унинг алоҳида аҳамияти шундаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки барча давлат идоралари ва кенг жамоатчиликнинг умумий вазифаси сифатида белгилаб берилганлигидир. Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «...бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади» - дея таъкидлаганидек, қарорнинг ва ушбу қарор билан тасдиқлаган низомларнинг мазмун-моҳиятини Ички ишлар органлари ходимлари, айниқса Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти тингловчилари онгига чуқур сингдириш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги ошишига олиб келиши шубҳасиздир. Шунингдек содир этилаётган жиноятларни башорат қилишда маълум бир давр мобайнида тахмин қилинаётган вазиятлар билан бирга, шу вақтдаги тенденциялар ҳам эътиборга олинishi муҳимдир.⁵

Профилактика инспекторлари пайшанба “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”да қуйидаги тадбирларни амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу таклифлар қуйидагилар:

Биринчидан пайшанба куни профилактика инспекторларининг профилактик рўйхатида турувчи шахслар билан профилактик суҳбатлар олиб бориш.

Иккинчидан пайшанба куни ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида маҳалла ҳудудида спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш.

⁵ Ниматов Ш. Ички ишлар органларининг криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш: ўзига хос хусиятлари, ахборот-таҳлил фаолиятининг ўрни //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 167-171.

Учинчидан профилактика инспекторлари маҳалласи ҳудудида содир этилган жиноят бўйича мактабларга бориб маҳаллада содир этилган жиноятлар ҳақида ҳабар бериб ва қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича ҳуқуқий тарғиботни олиб бориш.

Тўртинчидан ҳар пайшанба куни биттадан уюлмаган ёшларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини олиб бориш.

Бешинчидан таълим муассасаларида масжид имоми билан биргаликда ёшларга ҳар хил диний оқимларга кириб кетишини олдини олиш мақсадида учрашувлар ўтказиш.

Олтинчидан ҳар пайшанба ижтимоий профилактика доирасида маҳалла раиси билан биргаликда яққа ёлғиз яшовчи кекса ёшдаги фуқароларнинг ҳолидан ҳабар олиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишининг олдини олиш ва жиноятлар содир этилганидан сўнг уларни тезда фош этиш ҳамда жавобгарликка тортиш мақсадида амалга ошириладиган комплекс фаолиятдир. Бу жараёнда "иссиқ изидан фош этиш" фаолияти, яъни жиноят содир этилгандан сўнг тезда унинг изларини аниқлаш, жиноятчиларни топиш ва уларнинг жавобгарликка тортилиши учун керакли чора-тадбирларни кўриш жуда муҳим аҳамиятга эга. Жиноятларнинг иссиқ изидан фош этиш фаолиятини амалга оширишда бир қатор муҳим жараёнлар мавжуд бўлиб, булардан бири жиноят жойида тезкор тергов ва текширув ишларини олиб бориш ҳисобланади. Жиноят жойида ўтказиладиган тезкор текширувлар ва тергов ишлари, жиноятчининг изларини аниқлашда асосий рол ўйнайди. Тезкор терговчи ва жиноятларни аниқлаш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар (масалан, қиёсий таҳлил, портловчи моддаларнинг қолдиқлари, видеокамералар, кузатув камераларидан фойдаланиш) ёрдамида жиноятчи ва унинг излари тезда аниқланади. Жиноятларни иссиқ изидан фош этиш — бу жиноятни содир этган шахсни ёки гуруҳни тезда аниқлаш ва ушлаб

олишга қаратилган фаолиятдир. Бу жараёндатда жиноят содир бўлгандан кейин қисқа вақт ичида амалга оширилади, шунда жиноятнинг излари ҳали янги ва жиноятчи қаерда бўлиши мумкинлиги аниқроқ бўлади. Жиноятларни иссиқ изидан фoш этишнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ўрни катта, чунки у қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:⁶

Хулоса қилиб айтганда Президентимиз томонидан профилактика инспекторларининг маҳаллада бир куниини пайшанба “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгилаб берди. Хусусан давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14-мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори билан белгилаб берилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби Республикамиз маҳаллаларида ҳизмат олиб бораётган барча профилактика инспекторлари пайшанба “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”да жиноятчиликка қарши аниқ режаларни олдиға қўйиб аниқ белгиланган режалар бўйича жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича манзилли профилактик чора-тадбирларни амалга оширади. Ушбу амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар натижасида жиноятчилик барвақт олди олинади. Фуқароларимизнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиб профилактика инспекторларининг ҳам олдиларига қўйилган вазифалар ҳам бажарилади. Тинч юртга байрамлар ярашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон;

⁶ <https://academics.uz/index.php/zfty/issue/view/138>.

Ҳ.Қ. Бабаханов, И.И. Хусанова., Profilaktika inspektorlarining sodir etilgan jinoyatlarni “issiq izidan fosh etish va qidiruvdagi shaxslarni aniqlash faoliyatini takomillashtirishdagi muammo va kamchiliklarning ahamiyati

2. <https://lex.uz/docs/3110039>.

3. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-zhinoyatlar-soni-kam-b-lgan-davlatlar-atorida-25-10-2019>

4. <https://lex.uz/docs/3141186> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-қарори.

5. Ниматов Ш. Ички ишлар органларининг криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш: ўзига хос хусиятлари, ахборот-таҳлил фаолиятининг ўрни //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 167-171.

6. <https://academics.uz/index.php/zfty/issue/view/138>.,

Ҳ.Қ. Бабаханов, И.И. Хусанова., Profilaktika inspektorlarining sodir etilgan jinoyatlarni “issiq izidan fosh etish va qidiruvdagi shaxslarni aniqlash faoliyatini takomillashtirishdagi muammo va kamchiliklarning ahamiyati.